

Хушхабар: Мусҳафи шарифнинг навбатдаги янги наشري сотувга чиқди



08:43 / 03.03.2021 1854

Бугун 3 март куни Қуръони Карим – Мусҳафи шарифнинг (Дорул Ғавсоний наشري) навбатдаги янги наشري сотувга чиқди!

Мусҳафи шарифнинг ушбу янги нашрини Республикамиздаги барча филиалларимиздан ўз нархида харид қилишингиз мумкин.

Шунингдек, kitoblardunyosi.uz ҳамда hilolnashr.uz сайти орқали ҳам онлайн буюртма беришингиз мумкин. Буюртмаларингиз бутун Республика бўйлаб кўрсатилган манзилга етказиб берилади иншааллоҳ!

Шунингдек, вилоятлардаги дўконларимизда маҳсулотларга телефон орқали буюртма олиб, шаҳар ичида етказиб бериш хизмати мавжуд. Етказиб бериш хизмати пуллик.

Эслатиб ўтамиз, 2018 йил Ғавсоний ноширлик уйи ҳамда «Ҳилол-нашр» матбаа-нашриёт мажмуаси ўртасида ҳамкорлик шартномаси тузилди. Мазкур шартномага биноан юртимизда Мусҳафи шарифнинг янги нусхасини чоп қилишга эришилди. Унга кўра, Ғавсоний ноширлик уйи томонидан «Ҳилол-нашр» нашриётига Мусҳафни чоп этиш ҳуқуқи тақдим қилинди.

Ушбу мусҳафи шариф тобеъин Ҳафс ибн Сулаймон ибн Муғийра ал-Асадий ал-Кўфий Осим ибн Абун-Нажуд ал-Кўфийдан ривоят қилган, у Абу Абдурраҳмон Абдуллоҳ ибн Ҳабиб Суламийдан, у эса Усмон ибн Аффон, Алий ибн Абу Толиб, Зайд ибн Собит ва Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳумдан, улар эса Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан нақл қилган қироатга мувофиқ тарзда ёзилган ва белгилари қўйилган.

Мусҳафнинг ҳарфлари рошид халифа Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу Макка, Басра, Кўфа ва Шом шаҳарларига юборган ҳамда Мадина аҳлига қолдирган ва ўзи учун олиб қолган мусҳафлар, шунингдек, улардан кўчирилган нусхалардан расми хат илми (Қуръон ёзуви илми) уламоларининг ривоятлари асосида олинди. Бунда Абу Амр Доний ва Абу Довуд Сулаймон ибн Нажоҳларнинг нақллари асос қилиб олинди, фарқли ўринларда Абу Довуднинг сўзи танланди. Бинобарин, мусҳафнинг ҳар ҳарфи мазкур олти усмоний мусҳафга тўла мосдир.

Мусҳафдаги ҳарфдан бошқа белгилар ушбу илм мутахассислари имом Танасийнинг «Ат-Тироз ъала зобтил-харроз» китоби асосида қабул қилган йўсинда олинди. Бунда Андалусия ва Мағриб уламолари қўллаган белгилар ўрнига Халил ибн Аҳмад ва у зотга эргашган Машриқ уламолари қабул қилган аломатлар танланди.

Оятлар ва уларнинг адади кўфаликлар услубида – имом Шотибийнинг «Нозиматуз-зуҳр» китоби ва оятлар хусусида ёзилган бошқа асарларда Абу Абдурраҳмон Суламийдан, у Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудан қилган ривоят асосида белгиланди. Унга кўра оятлар сони 6236 тадир.

30 жуз (пора), 60 ҳизб (ярим жуз) ва рубуъ (чорак ҳизб) каби қисмларнинг бошланиш ўринлари имом Сафоқусийнинг «Ғойсун-нафъ» асари, имом Шотибийнинг «Нозиматуз-зуҳр» китоби ва унинг шарҳлари, шайх Муҳаммад Мутаваллийнинг «Таҳқиқул-баён» рисоласи ҳамда Абу Ийд Ризвон Мухиллотийнинг «Иршодул-қурро вал-котибин» асари асосида кўрсатилди.

Мусхаф сўнгида илова қилинган жадвалда сураларнинг маккий ва маданийлиги ҳақидаги маълумот Абу Қосим Умар ибн Муҳаммад ибн Абдулкофийнинг китобидан ҳамда қироат ва тафсирга доир асарлардан олинди.

Вақф аломатлари ушбу мусхафни тайёрлаш гуруҳи томонидан маъноларнинг тақозосига кўра, тафсир ва вақф-ибтидо уламоларининг сўзларидан келиб чиққан қарорлар асосида қўйилди.

Сажда оятлари ва уларнинг ўринлари фикҳ ва ҳадис китоблари асосида қайд қилинди. Улардан бештасида уламолар ихтилоф қилган бўлиб, ушбу мусхафда уларга ишора қилинмаган. Бу оятлар – Ҳаж сурасидаги иккинчи сажда ояти ҳамда Сод, Нажм, Иншиқоқ ва Алақ сураларидаги сажда оятларидир.

Муқоваси: қаттиқ, чарм

Ўлчами: 25x18 (70*100 1/16)

Нархи: 37 000 сўм